

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 118-ҳадис

1. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар мени Бадр улуғлари билан бирга (мажлисга) киритар эди. Баъзилари ичида аччикланиб: «Нега уни киритасан? Бизнинг ҳам шу каби ўғилларимиз бор, ахир!» деди. Умар: «Ўзингиз билган сабабдан-да», деди. У бир куни чақириб, мени улар билан бирга киритди. Ўша куни у мени уларга кўрсатиб қўйиш учунгина киритган, деб ўйладим. «Аллоҳ таолонинг **«Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса»**, деган сўзига нима дейсизлар?» деди. Баъзи бирлари: «Бизга нусрат ва фатҳ берилганда Аллоҳга ҳамд айтиб, Ундан мағфират сўрашга буюрилибмиз», дейишид, баъзилари жим қолиб, ҳеч нарса дейишмади. У: «Сен ҳам шундай дейсанми, эй Ибн Аббос?» деди. «Йўқ», дедим. «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ажаллари, У Зот у кишига буни билдирган. **«Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса, - ўша сенинг ажалингдир - бас, Роббингга ҳамд ила тасбеҳ айт ва Ундан мағфират сўра. Чунки У тавбаларни кўплаб қабул қилувчиидир»**, деган», дедим. Шунда Умар: «Мен ҳам унинг хусусида сен айтган нарсани биламан, холос», деди».

Имом Бухорий ривояти.



NUBUVVAT MARVARIDLARI